

Шеробод туманида “Аёллар дафтари” олтинчи босқичига старт берилди



"Аёллар дафтари" ни шакллантириш юзасидан ишчи гуруҳ ташкил қилинди.

“Аёллар дафтари”га ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар ва ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар, қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин - қизлар киритилади.

Хатлов жараёнларида "Маҳалла еттилиги" томонидан ишларни тақсимлаш, хонадонма-хонадон юриш орқали хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш, штаб ташкил этиш ва бошқа амалга ошириладиган ишлар бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.